Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1993 ЙИЛ 2 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

№ 37 (6548).
Баҳоси 5 сўм.

БОЛАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ — МУҲИМ ВАЗИФА

Мустақил Республикамиз келажаги бўлган ёш авлодни ҳар жиҳатдан соғломлаштириш бугунги кундаги энг муҳим вазифалардан биридир. Бу борада эрта-индин бошланаётган болаларнинг ёзги дам олиши ва мазмунли ҳордиқ чиқаришини намунали ташкил этиш умумдавлат аҳамиятига молик ишдир. Шу боисдан ҳам бу муҳим вазифани адо этиш билан Ўзбекистон Республикасининг раҳбарлик ташкилотлари — вазирликлар ва идоралар, уларнинг жойлардаги органлари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимиятлари, касаба уюшмалари, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари, хўжалик, медицина ва педагогик, транспорт ташкилотлари шуғулланмоқдалар.

Бу йилги мавсумда 2513 турли хилдаги болалар оромгоҳларида 450 минг ўғил-қиз соғломлаштирилади. Бунинг учун 5,7 миллиард сўм ажратилган. Бу маблағнинг 2 миллиард сўми касаба уюшмалари, 3,6 миллиард сўми хўжалик органлари, 0,1 миллиард сўми ота-оналар ҳисобидан сарф этилади.

Болаларнинг ёзги дам олишига оромгоҳлар тайёрми? Жойларда оромгоҳларда ҳордиқ чиқарувчи ўғил-қизларни озиқ-овқат билан таъминлаш, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш, соғломлаштиришни уюшқоқлик билан ташкил этиш масалалари қандай ҳал қилинган? Ўтган жума куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган Ижтимоий масалалар, фан ва маданият бўйича Комплекснинг кенгайтирилган йиғилишида худди шу масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев раислигида ўтказилган бу йиғилишда республика касаба уюшмалари Федерацияси Раисининг ўринбосари М. Тўлаганованинг болаларнинг ёзги соғломлаштириш дам олишини ўтказишга тайёргарлик тўғрисидаги ахбороти тингланди ва муҳокама қилинди.

Республикамизда асосан болалар ёзги дам олишига жиддий тайёргарлик кўрилган. Бироқ шунга қарамай бозор иқтисодига ўтиш шароитида нарх-навонинг ўсиши, озиқ-овқат ва саноат молларининг камёблиги, транспортда йўловчилар ташиш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш тўлов миқдорларининг кескин ошганлиги ва бошқалар болалар ва ўсмирларни соғломлаштиришни ташкил этишда талайгина қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Болалар оромгоҳларининг моддий базаси ночор бўлиб қолмоқда, айрим корхоналарнинг ўғил-қизлар дам олиш муассасаларини зиммаларидан соқит қилиши далиллари ҳам учраб турибди. Ҳозир республикада 40 та ўғил-қизлар оромгоҳининг мавсумда очилмай қолаётгани ҳам таъмирлаш ишларига етарли ёрдам кўрсатилмагани оқибатидир.

Йиғилишда сўзга чиққан вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, вилоят ва шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, касаба уюшмалари, савдо, транспорт ташкилотлари етакчилари кўрилган тайёргарлик ишлари ҳақида ахборот бериб, ёш авлоднинг ёзги дам олишини уюшқоқлик билан ташкил этишга ва ўтказишга доир барча тадбирларни амалга ошириш учун ҳаракат қилинаётганини маълум қиладилар.

Йиғилишда болаларнинг 1993 йилги соғломлаштириш режаси тасдиқланди. Бу муҳим давлат аҳамиятига молик вазифаларни бажарилиши юзасидан республика Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб туриш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятларига, вазирликлар ва идораларга топширилди.

М. РАҲМОНОВ,
«Маърифат» газетасининг махсус мухбири.

Илғор тажриба манзили

УЗОҚЛАРНИ КЎЗЛАГАН ЙИГИТ

Раҳбар чинакам маънода ташкилотчи бўлиши, мактабнинг моддий-маънавий эҳтиёжларини тўла қондириши, ўқув-тарбия ишлари учун шароит яратиб бериши зарур. Ҳозирги иқтисодий шароитда бу вазифалар маълум маънода уддабурроликни, қолаверса, ўқув даргоҳи хазинасида озми-кўпми сармоя бўлишини тақозо этади. Ана шундай тадбиркор раҳбар, раис-директор Султон Раҳмонқулов ҳақидаги мақолани газетамизнинг 3-саҳифасида ўқийсиз.

Олтин ёз—ўтсин соз

ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?..

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ, «МАЪРИФАТ» ГАЗЕТАСИНИНГ ҚУШМА РЕЙДИ

Президентимиз Фармони билан «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши, 1993 йил Ўзбекистонда «Болаларни она сути билан боқиш йили» деб эълон қилиниши бежиз эмас. Маънавий етук, зукко, жисмонан соғлом ва бақувват болалар мустақил Ўзбекистонимизнинг порлоқ истиқболидир.

Зеро, шундай экан, фарзандларимизнинг баркамол, дуркун бўлиб ўсиб-улғайишлари учун астойдил ҳаракат қилмоғимиз жоиз.

Мактабларда сўнгги қўнғироқлар чалиниб ҳам бўлди. Ёзги таътил бошланди. Таътилни серзавқ ва мароқли ўтказиш ниятида ўқувчилар оромгоҳларга жўнаш учун ҳозирлик кўрмоқдалар.

Хўш, оромгоҳлар болаларни қабул қилиб олишга тайёрми? Саволимизга Тошкент шаҳар касаба уюшмаси қўмитасидан қуйидагича маълумотларни олдик.

— Бу йил вилоятнинг сўлим гўшаларида 39 та оромгоҳ фаолият кўрсатади. Булардан 24 таси санаторий типида бўлиб, хаста болалар ўз саломатликларини тиклайдилар. Жами 70 минг ўқувчи ёзги оромгоҳларда дам олиши кўзда тутилаётир.

Йўлланмалар қиймати санаторий типидаги оромгоҳларга 8248 сўм 50 тийин, бошқаларига 6947 сўм 72 тийин, кунлик (мактаблар қошидаги) оромгоҳларга эса 4365 сўм 92 тийинни ташкил этади. Аммо ота-оналар бу йўлланмаларнинг 10 фоизи миқдорида ҳақ тўлайдилар. Қолган 90 фоизи эса касаба уюшмаси зиммасига тушади. Шунингдек, оромгоҳларда бепул дам оладиган болалар ҳам анчагина. Буларга кам даромадли оилалар фарзандлари, ота-онасиз болалар киради.

Республика Халқ таълими вазирлигининг ҳайъат йиғилишида турли муассасалар ва корхоналар тасарруфидаги оромгоҳларнинг жиҳозланиши, ўқувчилар хоналарининг безатилиши, умуман, ёзги таътил учун тарбиявий жиҳатдан зарур воситалар етарли бўлишини назорат этиш ва ёрдам бериш хусусида қарорлар қабул қилинган.

Тошкент шаҳар ҳокимияти, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа бу ишга дахлдор идоралар ҳам оромгоҳларни ҳозирлашда ўз ҳиссаларини қўшаяпти.

Хўш, бу ишлар амалда қай йўсинда амалга оширилаётир? «Минг эшитгандан бир кўрган афзал», деган ақидага амал қилиб Бўстонлиқ туманига йўл олдик.

ЎЗБЕКИСТОН «ҚРИМ»И

«Чорвоқ» суви омбори бўйида жойлашган «Чорвоқ» оромгоҳи Тошкент шаҳар нефть, газ саноати қурилишига қарашли бўлиб, бу ердаги манзаравий осмонга туташ қорли тоғлар, ям-яшил тепаликлар, боғ-роғлар, ложувард денгиздек ястаниб ётган сув омбори, қўйингки ҳаммаҳаммаси гўзал.

Оромгоҳ тоғ бағридан ўрин олган. 24 та кубиксимон иморат турли бўёқларда бўялган. Уларнинг ички ва ташқи қиёфаси ҳам эртаклардагидек ажабтовур, қизиқ. Бу ўзига хос хоналарда болалар зерикмайдилар. Хушчақчақ кайфиятда, гўё эртаклар оламида яшайдилар. 24 таноб боғ ўртасидаги қўшқаватли иморат, ошхона, стадион, кинозал, турли ўйин инвентарлари жойлашган майдон ва бошқа хоналар ҳам оромгоҳники.

Оромгоҳ бошлиғи Эркин Деҳқонов билан, бундан ташқари Тошкент шаҳар нефть, газ саноати ва қурилиши касаба уюшмаси қўмитаси раиси Насиба Файзуллаева ва бошқалар билан суҳбатлашдик.

— Оромгоҳимизда бу йил 1200 нафар ўқувчининг дам олиши кўзда тутилмоқда. Таъмир ишларини тугатиб бўлдик. То июндан эътиборан, ишимизнинг биринчи босқичи бошланади. Оромгоҳимиз ўқувчиларга мунтазир.

— Ўн йилдан буён оромгоҳга раҳбарлик қилар экансиз, айтинг-чи, қандай муаммолар бор?

— Муаммо ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Ташкилотимиз раҳбарияти бозор иқтисодиёти даври бўлса-да, болаларимиз учун саховатларини дариғ тутмаяптилар.

— Йўлланмалар нархи хусусида икки оғиз гапириб берсангиз, — деб сўрадик Насиба Файзуллаевадан.

(Давоми 2-бетда).

Инсон — одоби билан гўзал! Ўрта мактабни битираётиб бу ҳикматли сўзларни яна бир бор эсга олар эканман, бизга 11 йил таълим-тарбия берган устозларим ва уларнинг меҳнати гавдаланди. Беихтиёр ўз тенгдошларимга ўз истакларимни билдириш иштиёқи туғилди.

Ўқитувчилик касби игна билан қудуқ қазишга баробар эканлигини кўпчилик билади. Шундай экан, биз ёшлар бугунги кунда устозларимиз ўргатган билим сирларини мукаммал эгаллаб, улар кўрсатган тўғри йўллардан бориб, келажакда одобли, билимли, маданиятли инсон бўлишга интилиб яшашимиз керак. Устозларнинг берган билимлари қадрига етиб, ҳурматларини ўз ўрнига қўйиш биз ёшларга ҳам фарз, ҳам қарз деб биламан. Буларнинг барчасини ёшларимиз қайси жойда бўлишмасин, қай вазиятга тушишмасин, ўзларининг одобларини сақлаб, юқоридаги гапларни доим эсда тутишларини жуда-жуда истар эдим.

Айрим ёшларимиз мактабда ўқиб юрган давридаёқ ўзларини осмон чоғлайдилар. Гўё улар ўқувчи эмас, тоғни уриб толқон қилган, ҳамма нарсани дўндириб қўйган азаматлардек ҳис қилишади ўзларини. Уст-бошларини айтадиган бўлсак, эгниларида аллақандай кийимлар, кўрган кишининг энсаси қотади.

Мен билан тенгқур баъзи болаларнинг йўлкаларда, автобус бекатларида бекордан-бекор ўтирганларини ҳеч бир таърифга сиғдириб бўлмайди. Бундайлардан фақат безори, ялқов, ўғри-киссавур чиқади, деган тасаввурга келиш мумкин. Бундай ёшларга ўқишга тобингиз бўлмаса, бирон-бир жойда оддий ишчи бўлиб ишлаб (ишлашнинг айби йўқ-ку!), оз бўлса-да уй-рўзғорингизга фойда келтиринглар, ота-онангизга қанот бўлинглар дегим келади.

Дил изҳори

ҲАМ ҚАРЗ, ҲАМ ФАРЗ

Соҳиба ҲАЙИТБОЙ қизи.
Сурхондарё вилояти Ўзун тумани.

ҲУНАР ЎРГАНИШМОҚДА

Булунғур туман халқ таълими бўлимидаги 3-мактабларарО ўқув ишлаб чиқариш комбинатида 300 га яқин ўқувчи ҳайдовчилик, механизаторлик, кичик агроном, кичик ҳамшира ҳамда бичиш-тикиш ихтисосларини пухта эгаллашмоқда.

Ўқувчиларнинг касб сирларини мукаммал ўрганишларида илмий мудир Абдуҳамид Мамараўфовнинг хизмати эътиборга лойиқдир. У тайёрлаган электрлаштирилган кўргазмали қуроллар, светофор, машина ва трактор двигателларини ўрганиш қулай бўлиши учун мосламалар, ип-йигирув, пахта чигитини ажратадиган ва майда тўқиш ишларини бажарадиган дастгоҳлар ўқувчиларнинг ҳунар ўрганишга бўлган иштиёқини янада ортти-ради.

З. ЖУРАЕВА.
Самарқанд вилояти.

Виждонан меҳнат қилаётганлар

ДИРЕКТОР

Янгиариқ туманидаги Қўчқор Жуманиёзов номли ўрта мактабга келганимизда бизни унинг директори Қўчқор Жуманиёзов кутиб олди. Ажабланманг, азиз муштарий, янглишаётганимиз йўқ. 1992 йил 30 май куни мазкур мактаб педагогика кенгаши қарори билан «Коммунизм» илм даргоҳига унинг директори Қўчқор Жуманиёзов номи берилди. Бу қарорни қишлоқ Кенгаши ва туман ҳокимияти тасдиқлади. Зотан, директорлик лавозимида ярим асрдан буён ишлаб келаётган Қўчқор Жуманиёзовнинг ҳаёт сўқмоқлари ибратли, сабоқларга жуда бой.

Улуғ Ватан уруши арафасида 19 ёшли Қўчқор Жуманиёзов бошланғич мактаб мудири эди. Фронтга кетган туғишган акаси ҳақида қора хат келгач, 1943 йили кўнгилли бўлиб урушга жўнади. Оддий жангчи сифатида Германиянинг Дрезден шаҳригача оловли йўлларни босиб ўтди. Жанггоҳдаги жасоратлари учун қатор орден ва медаллар билан мукофотланди, маршал Баграмяндан ташаккурнома олди. У ғалабадан сўнг она юртига омон-эсон қайтиб келиб, яна ўз жонажон касбини — ўқитувчиликни давом эттирди, бошланғич мактаб мудири сифатида астойдил ғайрат билан ишлай бошлади. Ўз ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги билан намуна кўрсатган ёш педагогни кўп ўтмай туман халқ таълими бўлимига назоратчи қилиб ишга олишди. Сўнг 1951 йилдан 1960 йилгача ўз туманидаги «Ўзбекистон» мактабида директорлик қилди. Мактабга янги бино қурдирди, атрофида боғ яратди. 1960—1964 йилларда эса мактаб-интернат директори сифатида фаолият кўрсатди. 1964 йилдан то шу кунгача ҳозир ўз номи қўйилган мактабда директорлик лавозимида самарали ишлаб келаётир.

Қўчқор акага хос энг муҳим фазилат — бу тиниб-тинчимаслик, ишбилармонлик, ўз олдига қўйган асосий мақсадни амалга ошириш учун, зарур бўлса, ҳукумат раҳбарлари қабулига ҳам кириш, адолат ва ҳақиқатнинг қарор топиши учун курашдан тоймаслик, шижоаткорликдир. У 1980 йилда янги мактаб биноси қурилиши масаласи бўйича республикамиз раҳбари, атоқли давлат арбоби Шароф Рашидов қабулида бўлди. Мамнун бўлиб қишлоғига қайтди. Ўшандан кейин янги мактаб қурилиши ва атрофида боғ барпо қилиш юмушлари жадаллашиб кетди. Ниҳоят, орадан тўрт йилча вақт ўтгач, давлат маблағи ҳисобига мактаб учун 320 ўринли янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозир бу илм масканини «боғ-мактаб» деб аташади. Чунки мактабнинг 3 гектар майдондан иборат боғига кишилар ҳавас билан боқишади. Боғдаги олма, ўрик, шафтоли, гилос, нок, узум, анжир, тутлар сингари мевали дарахтлар ҳар йили яхши ҳосил бераяпти. Мактаб атрофига эса 150 тун гужум, 100 тун арча, юзлаб терак экилган.

Илм маскани қошида «кичик ферма» ҳам мавжуд. Унда ҳозир 3 та сигир ҳам боқиляпти. Уларни кўпайтириш мўлжалланмоқда. Шунингдек, 1988 йилда ишга туширилган иссиқхонада лимон етиштириляпти. Ўтган йили мактаб ер участкасидан 90 минг сўмлик даромад олинди.

Мактабнинг давлат банкида ўз махсус счёти очилган. Ҳозир унда 100 минг сўмдан кўпроқ жамғарма бор.

— Бу маблағлар қандай эҳтиёжлар учун сарфланмоқда? — сўрадик директордан. У қисқагина жавоб қилди:

— Мактаб маъмурияти аълочи ўқувчилар учун стипендиялар ташкил қилган. Кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатилади. Мактабни таъмирлаш ишлари ҳам давлат банки счётидаги маблағ ҳисобига амалга оширилади.

Мактабга кираверишда Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар хотирасига бағишланган ёдгорликка кўзингиз тушади. Бу ёдгорлик қурилишининг тарихи шундай: «Остона» қишлоқ маҳалласидан 40 йигит жангга отланишиб, фронтларда мардонавор жанг қилишди. Уларнинг сафида Қўчқор ака Жуманиёзов ҳам бор эди. Кўпчилик дўстлари жангларда ҳалок бўлишди. Ўшанда у: «Агар урушдан омон-эсон қайтсам, қуролдош дўстларим — ҳамқишлоқларим хотирасини абадийлаштираман», — деб ваҳд қилганди. Қ. Жуманиёзов ўз сўзини бажарди: урушда ҳалок бўлган 33 жанговар дўстининг исму шарифи ёдгорликдаги мармар тахтага ўйиб ёзилди. Ёдгорлик Қ. Жуманиёзовнинг шахсий жамғармаси ҳисобига қурилди. Мактабга ҳар куни шу ёдгорлик ёнидан ўтиб борар экан, Қўчқор ака Жуманиёзов жанговар дўстлари билан руҳан учрашгандай сезади ўзини ва «инсондан яхши хотира —. яхшилик қолиши керак», деган эзгу тушунча қалбини чертиб ўтади.

Дарҳақиқат, Қ. Жуманиёзовнинг ўзи ҳам ана шу ақидага содиқ қолиб, ҳаётда қатор савоб ишларни амалга ошираётир.

Янгиариқ туманида 50 гектар катта майдонни эгаллаган, ЮНЕСКО рўйхатига кирган XIV асрга оид Шайх Мухтор Вали қабристони бор. Биз туман халқ таълими бўлимининг назоратчиси Н. Матёқубов билан шу тарихий обидани зиёрат қилгани борганимизда шинам бино деворидаги мармар лавҳа сатрларига кўзимиз тушди: «Қўчқор ота масжиди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, уруш ва меҳнат фахрийси Қўчқор Жуманиёзовнинг шахсий жамғармаси ҳисобига қурилиб, 1992 йил «Наврўз» кунида ишга тушган».

Тадбиркор, сергайрат Қ. Жуманиёзов қишлоқ Кенгашининг депутати сифатида ҳам қатор савоб ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, унинг ташаббуси, жонкуярлиги туфайли қишлоқ йўллари асфальтланди, медицина пункти очилди, «Р—8» каналига кўприк қурилди. Бу кўприк Аваз Ўтар номли ва «Остона» жамоа хўжаликларини бир-бирига боғлайди. Мактаб атрофида 120 ўринли кўркам янги болалар боғчасининг барпо бўлишида ҳам депутат-директорнинг муносиб ҳиссаси бор.

Қ. Жуманиёзов директорлик қилаётган мактаб педагогик жамоасининг ютуқлари ҳам диққатга сазовор. Мактабда ўқув машғулотлари бир сменада олиб борилади. Ўтган йили экология бўйича ўтказилган вилоят мактабларининг кўрик-танловида мазкур илм даргоҳи фахрли биринчи ўринни эгаллади ва компьютер билан мукофотланди. Иброҳим Бекчонов, Гулбаҳор Ортиқова, Собир Абдуллаев, Нодира Жуманиёзова, Қувонч Панаева, Болтабой Ҳайдаров, Назира Бекчонова каби фан ва бошланғич синф ўқитувчилари таълим сифатини оширишда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Қўчқор ака Жуманиёзов оиласидаги 14 кишининг ҳаммаси ҳам педагоглардир.

— Олти ўғлим ва икки қизимдан 40 неварам, 5 чеварам бор, — дейди биз билан суҳбатда Қўчқор ака, — улар ҳам мен яратган боғнинг ёш ниҳолларига ўхшашади. Илойим, дунёда ёш ниҳоллар ҳеч қачон завол кўрмасин. Улар элсевар бўлиб, камол топса, юртнинг бахтидир. Зотан, гўзал Ватанимиз — Ўзбекистоннинг порлоқ истиқлолини шу ёшлар барпо этадилар.

Ғ. ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз.

ТАДБИРКОРЛАР

Косон шаҳри марказида жойлашган Форобий номли ўрта мактабга раҳбарлик қилиб келаётган Бекмурод Маҳатов ҳар жабҳада тадбиркорлик кўрсатаётир. У ўқиш-ўқитиш ишлари сифатини яхшилашга эътиборни кучайтириш билан бирга, мактаб моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, айрим зарур сарф-харажатларга ўз имкониятларидан келиб чиқиб маблағ топиш чораларини ҳам қидириб топмоқда..

...Директор муаллимлар жамоаси билан маслаҳатлашиб бир тўхтамга келгач, мактабнинг эски қозонхонаси биносини қайта таъмирлаб ва мослаштириб, бу ерда жувозхона, тегирмон, ишлолда цехлари очишга қарор қилди. Бундай кичик корхоналар учун барча зарур асбоб-ускуналар топиб келтирилди. Айрим жиҳозлар эски қозонхонада қаланиб ётган яроқсиз темиртерсаклардан ясалди.

Бир соат ичида олти кило зиғир ёғи ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган жувоз, худди шу вақтда бир центнер ғаллани ун қиладиган тегирмон, бир кунда ўттиз кило атрофида маҳсулот тайёрлайдиган ишлолда цехлари ҳозирги кунда бир маромда ишламоқда. Кичик корхона маҳсулотларининг савдога чиқарилганидан бери кўрилган дастлабки фойдадан йигирма минг сўм шаҳар халқ таълими бўлими ҳисобига ўтказилди. Келажакка мувофиқ, бу маблағнинг олтмиш фоизи кичик корхонада ишловчиларга маош тариқасида тўланади. Даромаднинг қолган қисми ўқув даргоҳи эҳтиёжлари учун, жумладан, мактаб бинолари, синф хоналари ва жиҳозларини таъмирлаш, фан хоналари, устахоналари, устахоналарга зарур жиҳозлар, асбоб-ускуналар олиш, кичик корхонага маҳсулотлар харид қилиш кабиларга сарфланмоқда.

Нормамат ТОҒАЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Жиззах вилоятининг Пахтакор туманидаги Ҳамид Олимжон номли 1-ўрта мактабда санъаткорлар, маданият арбоблари билан учрашувлар ўтказиш, мушоиралар уюштириш одат тусига кириб қолган.

Мактабда ана шундай тадбирларни уюштиришда 20 йилдан ортиқроқ иш тажрибасига эга бўлган ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Хурсандой Маликованинг ўзига яраша ўрни бор.

— Хурсандой Маликова ёш ўқитувчиларга яқиндан ёрдам кўрсатиб келади, уларнинг дарсларини кузатади, шунингдек, ўз дарсларига ҳам таклиф этиб туради, — дейди мактаб директори Шарофат Қобилова.

Суратда: Х. Маликова ёш ўқитувчилардан Шаҳноза Маъмирова ҳамда Узук Бобожоновалар билан фикр алмашмоқда.

Умарали ҚУШВОҚОВ
суратга олган.

ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?..

(Боши 1-бетда).

— Ҳар бир йўлланманинг нархи 9—10 минг атрофида. Ота-оналар эса 10 фоизини тўлайдилар. Қолган 90 фоизи ташкилот гарданига тушади.

«Чорвоқ» оромгоҳидан кўнглимиз тўлиб, сафаримизни давом эттирдик.

«ЭЛЬБРУС» МУАММОЛАРИ

Пойтахтдаги «Алгоритм» заводига қарашли «Эльбрус» оромгоҳи ҳам ҳушҳаво, хушманзара тоғ биқинида. Бўёқ чўткаси ва челак кўтариб олган кишиларни кўриб, таъмир ишлари кетаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Оппоқ оқланган бинолар, тахт қилиб қўйилган зарур инвентарларни кўздан кечирдик. Оромгоҳда 640 нафар боланинг дам олиши кўзда тутилган. 156 нафар тарбиячи ва бошқа хизматчилар мавсумда болалар парвариши билан машғул бўлишади. Бу ерда болалар мазза қилиб ҳордиқ чиқаришлари, куч-қувват тўплашларига амин бўлдик. Оромгоҳ бошлиғи Абдукарим Абдураҳмоновдан ишни ривожлантиришда тўсиқ бўлиб турган муаммолар хусусида суриштирдик.

— Биринчидан, ичимлик суви масаласи бизни қийнайди. 1 куб метр сув учун 24 сўмдан ҳақ тўлаймиз.

— Қизиқ, сув учун, қайси ташкилотга пул тўлайсиз?

— «Водоканал» Чимён Турккомплексига булоқлардан сув йиғиб етказиб берганлиги учун. Иккинчидан, Миллий боғ ташкилотига, Бобожоновга ҳар таноб еримиз учун 15 минг сўмдан ҳақ тўлаймиз. Бу ҳол бизни қаттиқ ранжитяпти.

— «Миллий боғ»нинг ўзи қандай ташкилот?

— Билмадим. Бўстонлиқ ва Паркент ҳудуди «Миллий боғ» таркибига кирар экан.

Ажабландик. Бу ҳақда эшитмаган эканмиз. Бунинг сир-асроридан мутасадди ташкилотлар воқиф қилар деган умидда сафаримизни давом эттирдик.

АРОСАТДА ҚОЛГАН ҚУРИЛИШ

«Эльбрус»дан узоқ бўлмаган масофада битмай, чала ётган оромгоҳлар қурилишларига кўзимиз тушди.

— Буларнинг қурила бошлаганига ўн йилдан ошди, — деб изоҳ берди ҳамроҳимиз, Тошкент шаҳар касаба уюшмаси қўмитаси ходими Нина Алексеевна Лопатюк.

Ўтган йиллар мобайнида аросатда қолган қурилиш қор-ёмғирда нурай бошлаган. Қорайиб кетган бетон деворлар, ҳар томонда сочилиб ётган қурилиш материалларини кўриб афсусландик. Бу ерга давлатнинг, халқнинг озмунча пули сарф бўлганми, ахир! Иморатлар қурилиб, фойдаланишга топширилганида борми, баҳаво бу масканда қанчадан-қанча болалар мириқиб дам олишган, соғлиқларига соғлиқ қўшилган бўларди.

Эҳтимол, қурилишнинг аросатда қолдирилганлигида бошқа бир жиддий сабаб бордир, таассуфки саволимизга жавоб топа олмадик.

БУЛУТ СОЯСИ

Тошкент қурилиши бош бошқармасига қарашли «Солнечний — Қуёшли» оромгоҳини ҳам бориб кўрдик. Бу ерда ҳам таъмир ишлари билан куйманиб юрган одамларни учратдик. Оромгоҳни ҳеч ҳам «Қуёшли» деб бўлмайди. Катта боғ ўртасидаги алмисоқдан қолган иморатлар аллақачон бузиб, қайтадан қуришга муҳтож. Ҳовли юзасини бегона ўтлар босиб кетибди. Қийшайган ўриндиқлар, чала таъмир қилинган ёзги кинозал, йиртилиб кетган экран, букчайиб турган эълонлар тахтаси, ивирсиб ётган ёзги чўмилиш ҳавзаси дилни хуфтон қилди. Айниқса, қачонлардир қурилган ноқулай цемент (бассейн) ҳовузда болаларнинг бехавотир чўмилиб, ёз офтобида қорайишларига тўла ишонч ҳосил қилиб бўлмайди. Эскириб кетган хоналарда ҳам яшаб, соғ-омон яйраб юришларига кўзимиз етмади.

Оромгоҳнинг бунёд этилганига ўттиз йилдан ошибди. Ҳозир тақчиллик даври, аммо ўтган йиллар ичида бу ерда янги ва хушбичим иморат қуриш мумкин эди-ку? Қизиғи шундаки, оромгоҳга мутасадди ташкилот — Тошкент қурилиши бош бошқармасининг бажарадиган вазифаси қурилиш бўлса-ю, ўз қарамоғидаги 540 ўринли эскириб кетган оромгоҳини қайтадан қуриб ололмаса?! Бу нима: «Бўзчи белбоғга ёлчимайди», «Этикдўз этикка» деганимикин?

Бундан ташқари оромгоҳда зарур инвентарлар: мебеллар ва идиш-товоқларнинг етишмаслиги тўғрисида ҳам гапиришди.

Хуллас, «Қуёшли» оромгоҳи кайфиятимизга таъсир қилса-да, табиатнинг бу кўркам гўшасида болаларимиз ҳордиқ чиқаришларини ўйлаб, кўнглимиз кўтарилиб қайтдик.

Тоҳир МУЛЛАБОЕВ,
Ўзбекистон телевиденеси гуруҳ раҳбари.

Шарофат ИСКАНДАР қизи,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ— ТАРБИЯ ОМИЛИ

Республикамиз умумтаълим мактабларида таълим-тарбияни янада такомиллаштириш, ўқувчи-ёшларни миллий одоб ва ахлоқ қонун-қоидалари, урф-одатлари, удумлари, маданият ва маърифати, халқ педагогикаси асосида тарбиялаш мақсадида одобнома дарсларининг жорий этилиши мақсадга мувофиқ бўлмоқда. Сўнгги йиллар давомида республикамиз мактабларида мазкур дарсларни ўқитиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилаётир.

Авваламбор, одобнома дарсларини мактабларда жорий этиш учун ўзбекона асл нусҳали дастур ва дарслик яратилиши лозим эди. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси республика ўқув-методика марказининг тарбия бўлими ходимлари билан ҳамкорликда бу вазифани бажарувчи уч гуруҳдан иборат муаллифлар таркиби тузилди. Шу гуруҳга кирувчилар олимлар, амалиётчи ўқитувчилар, тажрибали методистлар томонидан ҳозирги кунгача бир қанча методик материаллар, 1992 йилда 10-синфлар учун «Одобнома дарслари режаси ва дастури», «Одобнома» қўлланмаси (Т. Қурбонов), 1993 йилда 10—11-синфлар учун «Ҳаёт ва турмуш одоби» дастури яратилиб, чоп эттирилди. 1—4-синфлар учун «Одоб сабоқлари», 5 — 9-синфлар учун «Одобнома» дастури яратилди.

Бу борада сўнгги йилларда бир қанча ижобий тажрибалар ўрганилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 1991 йил май ойидаги махсус буйруғи асосида жумҳурият умумтаълим мактабларида одобнома фанининг дарс сифатида ўқитилишини амалга ошириш учун таркиб топтирилган муаллифлардан Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти, профессори Ойша Тўраева, педагогика фанлари номзодлари Ойша Ҳасанбоева, Санобар Нишонова, Ойниса Мусурмонова, Фарғона вилояти халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Турсунали Қурбонов, Тошкент шаҳридаги 84-ўрта мактаб ўқитувчиси Комилахон Абдураимовалар одобнома дарсликлари ва дастурларини яратиш, ҳаётга татбиқ этишда фаоллик кўрсатмоқдалар.

1—9-синфлар учун одобнома фани бўйича Фарғона, Наманган, Андижон, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги кўпгина мактабларда, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида, республика педагогика колледжида, Тошкентдаги ўнга яқин мактабларда, 9, 41-ҳунар-техника билим юртларида дарслар намунали олиб борилмоқда. Шунингдек, Қашқадарё вилояти Ғузор ноҳиясидаги Ф. Энгельс номли мактаб ўқитувчиси Б. Мамараҳимова, Самарқанд вилояти Паст Дарғом ноҳиясидаги 24-мактаб ўқитувчиси Н. Эшқувватов, Тошкент вилояти Қибрай ноҳиясидаги 35-мактаб ўқитувчиси Феруза Мирзааҳмедова каби тажрибали муаллимлар ўз дарсларини намунали ўтказмоқдалар.

Айниқса, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 59-мактаб ўқитувчиси Муҳаммаджон Усмоновнинг ўтган ўқув йилида 5-синф ўқувчилари билан «Бобур ҳаёти ва ижоди» мавзусидаги дарсини том маънода одоб машғулоти деса бўлади. Дарс давомида устоз ва шогирдларнинг бир-бирига бўлган ҳурмат-эҳтироми, муомала маданияти, билим даражаларининг баёни тўлатўкис одоб-ахлоқ илмининг ўзгинасидир. Шунингдек, адабиёт дарси Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланган экан, у тарих, ашула, мусиқа, физика, жуғрофия, жисмоний тарбия дарслари билан бевосита алоқадор бўлди. Ўқувчилар қўшиқ айтишди, рақсга тушишди, жисмоний машқ қилишда Бобур йўли бўйича глобус орқали саёҳатга боришди. Машғулот давомида «Бобур» видеофильми ҳақида суҳбат ҳам уюштирилиб, унинг муаллифи, режиссёри Мақсуд Юнусов, Бобур ролини ўйнаган актёр М. Абдуқундузов, қўшиқ ижрочилари Маъмуржон Тўхтасинов, Рифатулла Қосимовлар ҳақида қўшимча маълумотлар ҳам аниқланди. Дарс боришини ота-оналар, устоз олимлар, халқ таълими вакиллари ҳам кузатишди.

Дарҳақиқат, дарс жараёнида халқимизнинг бой маънавияти, ахлоқ-одоби, адабиёти, маданияти, тарихи ижодкор муаллим Муҳаммаджон Усмонов таҳлилида жуда усталик билан болалар ёшига мос равишда тарғиб қилинди.

Маълум бўлдики, жойларда одобнома дарслари ўқитилиши юзасидан ўрганишга лойиқ тажрибалар кўп экан. Ижодкор ва изланувчан ўқитувчиларнинг бой иш тажрибасини ҳар томонлама тарғиб қилишимиз, мавжуд муаммоларни ҳал этишда амалиёт ва назариётчи педагог-олимларнинг ҳамжиҳатлигини йўлга қўйишимиз, замон талаблари даражасида қўлланма ва дарсликлар яратилишига эришмоғимиз лозим.

Ранса ИЎЛДОШЕВА,
Республика ўқув-методика маркази тарбия бўлимининг мудири, педагогика фанлари номзоди.

Машҳура ТУРОПОВА,
шу бўлим етакчи методисти.

ФОЙДАЛИ КЕНГАШ

Мусиқа машғулотларида ўқувчиларнинг миллий халқ мусиқалари ва чолғу асбобларига қизиқишларини янада орттириш мавзуида Фарғона вилоят Ўзбекистон туманидаги 34-мактабда мусиқа ўқитувчиларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Шу мавзу юзасидан вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти кабинет мудири Э. Мирзаев маъруза қилди.

Маъруза юзасидан музокараларда Қўқон давлат педагогика институти мусиқа назарияси ва методикаси кафедраси мудири Ғ. Нажмиддинов, Қўқон шаҳар 12-мактаб ўқитувчиси Р. Султонов, Риштон туманидаги 7-мактаб ўқитувчиси Т. Алимов ва бошқалар қатнашди.

Кенгаш қатнашчилари Ўзбекистон туманидаги 34-мактаб мусиқа ўқитувчиси иш тажрибасини кенг оммалаштириш юзасидан мурожаат қабул қилинди.

УЛҒАЙИШ УЧУН...

Ўшанда Гулистон тумани халқ таълими бўлими мудири, иш юритишда етти ўлчаб бир кесадиган, яхши фикрни нурлантирадиган Ёқубжон Мадаминов унинг тўғрисида фақат ижобий фикрларни баён қилган эди. Набижон Аҳмедов ишлаётган мактаб жамоасининг айрим муаллимлари билан гаплашганимда ҳам унинг илғор тажрибаларини баён қилишганди. Демак, унинг ишларида бир эзгулик бор, уни одамларга айтмоқ керак. Нима бўлганда ҳам, эзгуликнинг кечи йўқ. Қаҳрамонимиз ҳамон улғайишда, янгилик сари интилишда.

Яқинда у билан яна учрашиб қолдим. Набижон ижодкор ўқитувчи. Эндиликда у ўзига хос янги услуб яратибди. Ноанъанавий тадбирлар ўтказишда яна вилоятда биринчиликни олибди, десам муболаға бўлмас.

Набижон Аҳмедов тафаккурида шуҳлалар порлайдиган, фикрларида чақмоқлар акс этадиган муаллим, десам муболаға бўлмас. Унинг ишлари билан танишганимда шундай фикрга келган эдим. Гап орасида бир савол ташладим:

— Ўқувчиларни фикрлаш ва ижодкорликка ўргатиш ижодий жараён. Сиз тил ва адабиёт муаллими сифатида бу масалага қандай қарайсиз?

У бир пас хаёлга толди, кейин очилди.

— Ёшим 60 га бораяпти. Қўлим мактабда, фикрим ва эътиқодим эса ҳақиқатга юз тутган. Лекин тўла улғайдим деб айтолмайман. 35 йилдан бери манзилим — уйдан йўлга, йўлдан мактабга! Ҳар куни, ҳар сонияда болалигимга қайтаман. Унинг завқи билан яшайман, ишимда, мактабда, фикр-ўйларимда фақат болалар билан яшайман, болалик хаёли билан яшайман. Тўғрироғи, ҳаммага боғча ёшидан маълум бўлган қуйидаги сатрларни эслатганимда, болалар маза қилиб кулишди:

Қу-қу-қу! Қу-қу-қу!
Узоққа кетиб қолманг.
Панжангиз билан титиб,
Дон-дон топишдан толманг.

Болалар ҳар бир машғулотда образли фикр донларини излашади.

Уларни тафаккур ёрдамида териб олишади.

Набижон тил ва адабиёт муаллими. У ўз фикрини ҳам образли қилиб ифодалади. Дарҳақиқат, шундай. Гераклининг бир фикри ёдимга тушди. Агар сиз кутилмаган нарсани топишни умид қилмасангиз, уни тополмайсиз. Ўқитувчи ва унинг шогирдлари 45 дақиқада ўзига хос «қазилма» ишлар олиб боришади. Кашфиётларга интилишади, фикр қилишни, фикрни кашф этишни вазифа этиб қўйишади ўзларига. Вазифадан муаммо, муаммодан ечимлар туғилади. Кичик нарсага ҳам катта руҳ бағишлаш — давр ахлоқи. Бундай ахлоқни болалар фақат қаётдан эмас, балки бадиий китоблар таҳлилида ҳам, дарсликлар таҳлилида ҳам ўрганишади, кичик нарсага катта руҳ деганда китобнинг кичик парчасига ҳам, ўқувчига ҳам катта руҳ бағишлашини кўзда тутмаймизми, ахир? Демак, ҳар бир дарс — кашфиёт. Ўқувчи ҳам, ўқитувчи ҳам дарсга шу нарса учун икки томонлама ижод, ҳамкорлик сёвинчи учун келишади. Мабодо, кашфиёт унчалик зўр бўлмай қолса-чи? Нотўғри бўлиб чиқса-чи? Ҳеҳқиси йўқ. Шундаям бу дарс қимматли, чунки, биринчидан, хатодан ибрат олиш мумкин, иккиничдан, кашфиёт нотўғри бўлса ҳам оз билимга олиб борувчи йўл эмасми, ахир. Бу йўлда нур бор, шуҳлалар бор унинг кетида.

Набижон ҳаяжонланди:

— Ҳамма нарса — билим орқали! Мактаб амалиёти ва мактаб назариясида шундай қарашлар бор.

У бу ҳақда ўз қарашларини изоҳлай бошлади:

— Кузатишларимдан маълум бўлишича, тил ва адабиёт дарсида билимдонлик асосий мақсад эмас, балки ахлоқий мавзуда, ахлоқий билим олиш учун бўладиган мулоқотни уюштириш ва уни ривожлантириш керак деб ўйлайман. Ўқувчи кўп нарсаларни ўйида ўрганади. Махсус билимларни ҳам якка тартибда ўзлаштириши мумкин. Ахлоқий билимлар эса фақат биргаликда ўрганилади. Дарс вақт-вақти билан эмас, моҳияти билан ўқувчини тарбиялайди. Дарс унга ёрдам берувчи машғулот. Шундай экан, машғулот ҳаётий эстетик, ахлоқий бир бўлгандагина тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Набижон ҳаётининг мазмуни — ўқувчи! Унинг муносабатлари, принциплари, тутган йўллари ўз ўқувчиларига аталганлиги бежиз эмас.

«ТИЛ СЕЗГИРЛИГИ»

...Унинг ноанъанавий дарсларидан бирини кузатишимга тўғри келди. Синфга кирдик. Янги дарснинг мавзуси жуда муҳим: юқорида мулоқотда айтганимиздек, болаларни фикрлаш ва ижодкорликка ўргатиш, ижодий жараён бу. Хўш, Набижон мавзуни ўтишда нималарга эътибор беради, кузатувчилар ундан нималарни ўрганади? Унинг шу бир соатлик дарсидан тажрибалар акс этмасмикан? Кўнглимда шундай саволлар кечарди.

«Ўқувчилардан шуни талаб қилингки, улар олдин ўйласинлар, фикр юритсинлар, сўнгра гапирсинлар, лекин олдин гапириб қўйиб, кейин ўйламасинлар».

Мураббийлардан бирининг бу фикрлари Набижон ўтадиган янги мавзунинг моҳиятини белгилаб берадигандай. Бу — ўрганиладиган материални муҳокама қила олишга, унга баҳо беришга кўниктириш иштиёқини ўргатиш, фаол ҳаракатдаги шахсни камол топтириш дегани.

Набижон Аҳмедов мутафаккирларнинг тил ҳақидаги фикрларини кўп ўқиган. Она тилини ўрганиш, бу — ниҳоятда улуғ иш. Инсон тафаккурининг энг олий ютуқлари, энг чуқур билимлар ва алангали туйғулар агар сўз воситаси билан аниқ, равшан ифодаланмаса, одамлар учун номаълум бўлиб қолаверади.

Ўқувчиларни тилни севишга даъват этишда ўқитувчининг шахсий намунаси сув билан ҳаводай зарур. Айни пайтда чуқур билим ва жозибали нутққа эга бўлган ўқитувчи ўқувчида тилга ўргатишда ҳавас уйғотсин. Набижоннинг суҳбатда айтган бундай фикрлари машғулотда ўз ифодасини топаётганини дилдилимдан ҳис қилардим. Ўқувчини фан дунёсига олиб кира билиш, уни изланувчанликка ўргатиш ўрганилаётган материални ўқувчининг ижодига айлантириш, бу ўқитувчи меҳнатига, маҳоратига боғлиқ масала эканлигига қаноат ҳосил қилардим.

Ўқитувчи асосий диққатини болаларнинг «Тил сезгирлиги»га ва фикрлаш туйғусини шакллантиришга, уни бойитишга қаратарди. Мавзунинг, мазмун ва моҳиятига қараб, грамматик ўйинлар, викториналар, сўз ўйинига топишмоқлар танлаш мақсадга мувофиқдир. Бунда ўқувчига эстетик завқ бағишлашда уларнинг диққатини фикрлаш нуқтасига тортадиган магнит кучига эга бўлган бадиий асарлар ёки шеърий парчалар танлаш мақсадга мувофиқдир.

ЎЙИНЛАР СЕҲРИ

«Зинапоя ўйини» 4—6-синфларда сўз туркумларини ўрганишда қўл келади. Набижон ўйинининг шартига кўра шундай сўзларни топиб ёздики, ҳар бир кейинги сўзда ҳарфлар биттадан ортиб борди. Масалан, сифатга доир сўзлар: оқ, кўк, қора, сариқ, зангор, бинафша. Отга доир сўзлар: от, уй, қўй, бор, эчкихона, сигир, ҳовли, новвос, гулзор, участка.

Набижон болалар диққатини ўзига тортди:

— Бир неча сўз топиб уларни ёнма-ён ёзамиз, сўнгра шу сўзларнинг остига сўздаги ҳарфлар нечта бўлса, шунча сўз топиб ёзамиз. Уларни руҳ юришида, яъни шахмат ўйинида вертикал ва горизонтал ҳолда ўқиганимизда сўзларнинг маънолари ўзгармаси, — у доскага стол, теша, олма, лола, шкаф, кино, арча, фазо, соат, одам, анор, торт сингари сўзларни жадвал қилиб ёза бошлади. Кейин «ҳарфлар ўйини» хусусида болалар билан баҳс юритди.

— Бунда, — деди у бир неча сўз топиб, — биринчи сўз қайси ҳарф билан тугаса, иккинчи сўз шу ҳарф билан бошланади. Масалан, анор — ручка-айиқ - қалам - мактаб - бола - асал - лента - атлас-соат.

У «ўйлаб топ», «ҳарф қисқартириш», «бўғин қисқартириш», «граммматик рейбус», «диаграммалар» сингари ўйинлар бўйича ҳам қизиқ тажрибалар ўтказди. Болаларнинг фикри, нутқи ва онгини нурлантирди, тилини қайради. «Ҳарфлар мушоираси» бўйича ўтказилган баҳсда у китобдаги шеърий парчалар билан бирга ўзининг болаларга бағишланган шеърларидан ҳам фойдаланди. Ахир, тил ва адабиёт ўқитувчиси ижодкор бўлиши даркор. У Мирзачўл сарҳадлари ва болалар дунёсига бағишлаб шеърлар ёзган, уларнинг кўпчилиги вилоят ва республика матбуотида босилиб чиққан эди.

— Икки ҳарфдан туғилдим,
Ц дерлар отимни,
Ёзувда мени, дўстлар,
Синдирманг қанотимни.
— Мени-чи «Р» дейдилар.
Талаффузим бузганлар,
Адабини ейдилар.
— Менинг номим «Я» жондир,
Яхшиларни хушлайман.
Ҳар синфда ялқовнинг
Ёқасидан ушлайман.

— Энди, болалар, «Сўз ўйини» баҳсини бошлаймиз, — у яна доскага ёза бошлади:

Қизариб пишган олмади,
Олмагани нега олмади?
Олмагани яхшироқ,
Энди келса, олма, де.

Ўқитувчи пародиялар ва адабий викториналардан ҳам кенг фойдаланди.

У топишмоқ тавсифидаги асарлардан намуналар танлаб, саволу жавоб тариқасида ўқувчилар билимини синай бошлади.

— Нима азиз кўҳна дунёда?
— Меҳнат билан топилган нонинг.
— Пок нарса не, нима мўътабар?
— Фақат онанинг сути.

— Сўнмас олов борми оламда?
— Қалбдаги муҳаббат ўти.

Зотан, бундай мисоллар тажриба натижаси, унинг тарбиявий аҳамияти ҳақида изоҳга ўрин бўлмаса керак, чунки сўз инсон ҳаётида энг яхши фазилатларни камол топтиришда қудратли восита бўлиб хизмат қилади. Ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек, сўз «ҳаттоки ўликка жон ато этади».

— Боланинг билими, дунёқараши ривожланган сайин, — дейди у, — унинг нутқи ва тафаккури муттасил ўсиб боради. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг нутқини ўстиришни айтмоқчи ёки ёзмоқчи бўлган жумлаларини олдиндан ўйлаш кўникмасини ҳосил қилиш билан боғлаб олиб борган маъқул. Дарсда ва дарсдан ташқарида ўтказилган бундай тадбирлар ўқувчиларни сезгирлик, топқирлик ва ижодкорликка ва изланувчанликка ўргатади. Фанга бўлган қизиқишни янада оширади. Тафаккур дунёсини теран туйғулар билан бойитади.

* * *

Дарвоқе, Набижонда тил ва адабиёт фанига қизиқиш қандай пайдо бўлган, унинг устозлари ким? Муаллимнинг киндик қони Бешариқдаги Андархом қишлоғига тўкилган. Унинг отаси Аҳмадали бобо, онаси Саодат Абдуқодир қизи отин, билимдон бўлган. Набижонга адаб машғулотлари ўшалардан юққан эди. У Хўжанд давлат педагогика институти тарих-филология куллиётида олий билим олди. Жунайдулло Сангинов, Эргашали Шодиев, Ҳомиджон Мамадов сингари билимдон олимлар унинг ҳам қалбини нурлантиришди.

Ж. Сангинов доимо ўз ўқувчиларига «Агар тил ва адабиёт муаллими бўламан десангиз, камида икки минг мисра шеърни, ҳаттоки энг яхши насрий асарни ёд билмоқ даркор. Муаллим ҳам ўзи ёзиши, шоир бўлиши лозим, дер эди. Устознинг бу ўгитлари эндиликда Набижоннинг ҳам, унинг таълим ва тарбиясини олган кишиларнинг қалбида ўчмас из бўлиб қолди.

Набижон 35 йилдан бери Гулистон туманидаги Муҳаррам Сафарова директорлик қилаётган ибн Сино номли 14-мактабда тил ва адабиёт ўқитувчиси ва илмий бўлим мудири бўлиб ишлаб келмоқда. У республика педагогик ўқишларига фаол қатнашиб, мукофотли ўринларни эгаллаган эди. 1982 йили унга методист-ўқитувчи деган унвон берилди. Кейинчалик республика халқ маорифи аълочиси, 1990 йилда эса «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими» деган унвонга сазовор бўлди.

Гулистонда бўлганимда, туман халқ таълими бўлимининг бошлиғи Ёқубжон Мадаминов ва Набижон Аҳмедов билан бўлган мулоқотларда кўп нарсаларни қалбимга ёздим: тил ва адабиёт сирли дунё, барча фанлар калити. Синфхоналарда кўнгил қулфининг калитлари очилади. Набижон Аҳмедов сингари ўқитувчилар ана шундай қулфу калитларнинг инженери, юрак таржимони.

Бадиий асар ва синф билан мураккаб ижодий муносабатлар яхлитлигини қандай таҳлил қилмоқ керак? Бу муаммони Набижон ўзича ҳал этади. Дарс — унинг учун санъат, чунки дарс ёш қалбни тарбиялашга, ҳаётга, одамлар турмушига қизиқтиришга қодир. Демак, бадиий асар таҳлилида ҳам худди ёзувчининг ўзи ишлатган воситалардан фойдаланиш Набижон учун оқилона иш. Шунинг учун у дарсни ҳаётбахш детал, мураккаб ахлоқий муаммо, ижодий усул асосида тузади. Инсондаги энг яхши хислатларни кўриш ва уларни ўстиришга интилиш — болалар билан муомала ва китоб билан танишув методикаси ва услубини белгилайди.

Ўқитиш — таълим ва тарбияни иморат ғиштлари билан ганчга қиёс қилгулик. Бино пишиқ чиқиши учун ғиштларни мустаҳкам ёпиштирадиган тарбия ганчини қандай тайёрлаш мумкин? Бино ғиштларини мустаҳкам бирлаштирувчи фикрлар ганчи қандай вужудга келади?

«Жиддий меҳнатсиз гўзаллик яралмайди» (Чехов). Ҳаётнинг барча кўринишлари, инсон ҳаёти ўқитувчи ва ўқувчидаги ва адабий қаҳрамондаги инсонийлик — ана шу жиддий ишларда акс этади. Набижон ва набижонлар дарсга асосан китобни — китобдаги фикрларни олиб киради. Болалар эса синфга ҳаёт олиб келишади. Ўқувчиларга яқинлашув, уларнинг эҳтиёжларини тушуниш ва ифодалаш ҳаётга яқинлашишдир. Китоб ёрдамида болалар билан, яъни ҳаёт билан ишончли, мустаҳкам алоқа боғлаш демакдир.

Набижоннинг юрагида кечаётган бундай фикрлардан янги маънолар ўқиш мумкин. У мулоқот охирида «Улғайиш учун мен ҳар куни болалигимга қайтаман» деб қўйди. Чунки муаллим ҳар бир дарсида болалардан кутилмаган нарсани топишни умид қилмаса, кўнгли тўлмайди. У юксакликларга кўтарилиши учун синф болалари билан бирга болалигига қайтмаса, улар билан ҳамфикр бўлмаса, мақсадига эришмайдида. Набижон ана шундай ўйлар билан яна мактабга ошиқар эди. Кўнглида баҳор, баҳор қуёши шўҳлалари кириб борарди унга...

АШУР АЛИ АҲМАД ўғли.

ИЖОДКОРЛИК ЙЎЛИ

«БОЛАЛИГИМГА ҚАЙТАМАН»

САХОВАТЛИ КИШИЛАР

Авваллари қоғоз чиқиндиларини тўплаб ёқиб юборардик. Тўғрида, уни қишлоқ жойда шаҳарлардагидек топшириб, эвазига ноёб моллар ёки тақчил китобларга патта берадиган ташкилот бўлмаса...

Яқинда 2-синфда ўқийдиган ўғлим:

— Дада, кераксиз қоғозларингизни ҳеч кимга берманг, мактабда қоғоз тўплаб Попга жўнатарканмиз, улар томимизни ёпгани қорақоғоз беришаркан, — деб қолди.

Том ёпқич ашёлар корхонаси Поп шаҳридагина эмас, бутун жумҳуриятимиздаги етакчи корхоналардан саналади.

Ўтган йилнинг ўзида Санг қишлоғидаги боғча учун 41 минг сўм ҳадя қилишди. 330 ўринли сузиш ҳавзаси бўлган боғча ишга тушди. Шу билан ишчиларнинг боғча ташвишлари батамом тугади. 4-та мактабдаги ўқувчиларга обуна учун 21 минг сўм пул ўтказиб беришди. Ҳар йили оромгоҳларда 880 бола дам олянти.

— Бугунги кунда мактаб, боғчаларимизнинг моддий аҳволи ўзимизга маълум. Шунинг учун уларга мўлжалланган ёрдамимизни бу йил бир неча баробар ошрамиз, — дейди корхона директори Тоҳиржон Каримов. Нима ҳам дердик. Ўзбекчасига «Баракалла, эл ўғли!» деймиз-да.

Муҳаммад СОДИҚ.

БОБУРНИ ЭСЛАБ...

Шайхонтоҳур туманидаги 343-болалар боғчасида Бобурмирзо таваллудига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Кечада ота-оналар, шаҳар ва туман халқ таълими бўлими мактабгача тарбия муассасалари ходимлари, болалар боғчаларининг тарбиячилари иштирок этишди.

Бу тадбирни ўтказишдан мақсад, маданий меросимизни ўрганиш, шарқнинг буюк алломалари билан танишиш, ёшларнинг миллий санъатимизга бўлган қизиқишини ошириш, миллий ғурур, миллий нфтихор ҳисларини тарбиялашдир.

Н. ТЎРАХОНОВА.

- ХЎЖАЛИК РАИСИ — МАКТАБ ДИРЕКТОРИ.
- ШОИРА ЎҚИГАН БИЛИМ МАСКАНИ.
- АТЛАС ТЎҚУВЧИ ЎҚУВЧИ ҚИЗЛАР.
- НИҲОЛЛАР БАРГ ЁЗМОҚДА

Илғор тажриба манзили

УЗОҚЛАРНИ КЎЗЛАГАН ЙИГИТ

ИНСОНГА НИМАИКИ ОДАТ БЎЛСА, табиатида намоён бўлаверади. Мени биринчи галда одамларнинг феъл-атвори, ички дунёси, муомаласи кўпроқ қизиқтиради. Янги танишларимни илк учрашувдаёқ қиёфаси, юз-кўзи, нигоҳи, ҳатто гапиргандаги имо-ишораларига қараб баҳолашга, таниб олишга ҳаракат қиламан. Ташқи қиёфа инсонлик, ички қиёфа инсонийлик аломатидир. Аммо улар бир-бирига доимо мос келавермайди. Айни пайтда сиртдаги ҳолат ичкаридан дарак бериб туради. Бир танишимнинг ёзуви майда — чумолининг изидек эди. Яна шу қадар тиғиз ёзардики, седана сочиб юборилганми, деб ўйлар эдингиз. Яқинроқдан билганимда, унинг чунонам тежамкор эканлигини пайқаб қолдим. Одамни ёзувидан ҳам билса бўлади, дейишади-ку. Ҳуснихат кишининг хулқига эътибор беринг, бир ажиб жозиба топасиз.

Султон Раҳмонқулов ҳақида кўришмасдан бурун маълум таассуротга эга, хўжалик раҳбари, айниқса, мактаб директори сифатидаги фаолияти хусусида орқаворотдан хабардор эдим. Шу боис Султон Раҳмонқулов билан Ленин номидаги жамоа хўжалигида учрашганимизда мен кўпроқ уни гапга солиб, одатим бўйича, назарканда бўлиб юрдим. Далилларни ҳамроҳим Маҳкамбой Қўчқоров тўплади, моҳир сураткаш Абдувоҳид Тўраев ўзи айтишича, «кутилмаган ҳолатлар»ни тасвирга тушириш билан банд бўлди.

Жамоа хўжалигига олдиндан хабар бермай борганлигимиз боис, Боёвут туман халқ таълими бўлимига йўлиқдик. Мудир Қаршибой Эшназаров мактаблар учун Гулистондан зарур қўлланмалар келтириш ташвиши билан банд экан. Хўжалик билан телефон алоқаси яхши эмаслигидан бизга ходимини қўшди. Ўзи ярим соатларда етиб боришга ваъда берди.

Хўжалик Боёвутнинг шундоқ қапталида. Бошқарув биносида ҳеч кимни учратмадик. Ҳамма дала ишлари билан банд. Раисни қидириб, мактабда эканлигини аниқлашди. Кимким, раснинг қизғин бир пайтда мактабда куйманиб юрганлиги ўрганган кўнгилга ғалатироқ. Лекин бу ҳол менга ёқимли туюлди.

Раис келгунича ҳозиргина танишганимиз Ўктам Ҳотамов билан гурунглашиб ўтирдик. У киши мактаб-интернат директори экан. Аммо шу аснода шундоқ йўл ёқасида солланиб турган мўъжаз бинолар ҳақида гаплашдик. Улардан бири оналар ва болалар шифохонаси, яна иккитаси хўжалик аъзоларининг дам олишлари ва даволанишлари учун мўлжалланган. Кўндалангига тушган катта йўл бир йил олдин бузиб кенгайтирилган.

Биз турган бошқарув биносидан узоқроқда «Вилис» тўхтаб, ундан ўрта бўй, қорувли киши чапдаст тушиб, пиёда юриб келди.

— Раисимиз Султон Раҳмонқулов, — деди Ўктам Ҳотамов.

Раснинг машинадан узоқроқдан тушиб келиши ички бир маданият белгиси эди. Яна бир кузатиш. Раис раисдан кўра кўпроқ деҳқонга ўхшаб кетар: эгнида оч пушти, енги калта кўйлак, бошида дўппи..., чанг уннаган юзлари офтобда қорайган. Деҳқон кўринишдан раисга ўхшаб кетса ёмон эмасдиру лекин раснинг деҳқон снёқли бўлгани бу бир фазилат.

Самимий салом-аликдан сўнг узун йўлакдан ўтиб, кенг хонага кирдик. Бу пайтда туман халқ таълими бўлими мудири Қаршибой Эшназаров туман ҳокими муовини Орзиқул Абдусаматов билан кириб келди.

СУЛТОН РАҲМОНҚУЛОВ ШУ ЕРДА ўсиб улғайди. Ўзи ўқиган 8-мактабда ўн уч йил жисмоний тарбиядан дарс берди. Кейин қишлоқ хўжалиги институтида сиртдан таҳсил олди. Боёвут ғишт заводида таъминот бўлими бошлиғи, пахта тозалаш заводида корхона бошлиғи, директор бўлиб ишлади. Пахтазорда суяги қотганлар хатга тушганида уни ҳам обдон тафтиш қилиб кўришди. Ёв қараб келиб, терс қараб кетишди-ю, ўзига тегина олишмади. Ишлар жойида эди.

1986 йилда хўжаликда раис ўрни бўшаб қолгач, жамоа аъзолари номзодлар орасидан уни танлашди. Султон Раҳмонқулов аввалига розилик бермади, ҳамқишлоқлари эса айтганларида туриб олишди. Бўлажак раис кўнглидагини дангал айтди: «Сиз ишонч билдираётган экансиз, ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан. Аммо битта шартим бор. Ҳалол ишлаганларнинг чўмичи қозондан чиқмайди, бўлимсизлар хомтама бўлишмасин!».

Кўпчилик рози бўлди. Кейинроқ доғда қолдираман дегувчилар ҳам топилди, бироқ раис сўзида қатъий турди. Хўжалик йилдан-йилга қад ростлаб борди. Даромадга даромад қўшилди. Меҳнат ҳам эгиз-эгиз, давлат ҳам эгиз-эгиз, деганларидек, мўмай даромад эвазига ҳаммом, гилам корхонаси, чойхона ишга туширилди. Шу кунларда тўйхона зали битиш арафасида. Бу ерда Мустақиллик байрами куни хўжалик ҳисобидан никоҳ тўйлари, юбилей тантаналари ўтказилади. Жамоа аъзолари учун ҳар бири 5 ярим миллион сўмлик турар-жой қуриш режалаштирилган. Ҳозир қирқта шундай иморат қад ростлаяпти. Бундай ибратли мисоллар талайгина. Бизни кўпроқ қизиқтирган мактабдаги ўзгаришлар.

Икки йил муқаддам 8-мактабда директорлик лавозими бўшаб қолди. Бу гал ташаббус раис томондан чиқди. Муаллимлар гап нимада эканлигини тўғри тушунишди.

Султон Раҳмонқулов нега мактаб директорлигини ҳам ўз зиммасига олди? Икки жойда раҳбарлик оғирлик қилмайдими?

Аввало раҳбар чинакам маънода ташкилотчи бўлиши, мактабнинг моддий-маънавий эҳтиёжларини тўлиқ қондириб, ўқув-тарбия ишлари учун мақбул шароит яратиб бериши лозим. Ҳозирги иқтисодий эркинлик вазиятида бу вазифалар маълум маънода уддабурроликни, қолаверса ўқув даргоҳи заҳирасида озмикўпми сармоя бўлишини тақозо этади. Мактабларга давлат чўнтагидан ажратилаётган маблағ кифоя қилмай қолди. Директор хўжалик кўмагисиз бу вазифаларни бажаришга қодирми?

Энг муҳими, хўжаликнинг истиқболдаги қиёфаси мактабнинг бугунги аҳволига боғлиқ. Олма ҳам ўз шохидан узоққа тушмайди. Бугун эътибор ва ғамхўрликка муҳтож болалар эртага хўжалик корига ярайди: бирлари деҳқончилик касбини эъзозлашади, бирлари техника жиловини тутади, бирлари эл соғлиғига посбон бўлишади, бошқалари бола тарбиясига умрини бағишлайди. Кенг маънода айтганда, хўжалик ҳам бир оила. Оилада оқсоқол битта бўлса, рўзғордан тартиб, барака аримайди.

Мактаб болани эъзозласа, бола унга абадий шуҳрат келтиради. Жўшқин ва ўктам ижоди билан жумҳуриятимиздаги миллионлаб кишиларни юксак маънавият руҳида тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшиб келаётган Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева шу ерда, шу мактабда таълим олган. Шоира «Ҳамқишлоқларим» шеърида:

Сизни соғиняпман, кўзим қароқлари,

Ҳамқишлоқларим.

Сизга сиғиняпман, кўнглим чироқлари,

Ҳамқишлоқларим.

Сиз кетмасин десангиз мени,
Тоғ мисол нураб,

Қароқларим,

Тортмангиз хира! —

деб ёзганида ёш кўнгилларда мактаб ёққан чироқларни ҳам назарда тутгандек туюлади менга. Бугун турли соҳаларда ўстирган тупроғини, қадрдон мактабини улуғлаётганларнинг ўзи бир қишлоқ.

Султон Раҳмонқулов мактаб директорлигини ҳам зиммасига олганида кўнглидан шундай фикрлар кечган бўлса не ажаб! Рост-да. Ўзини ҳам элга қўшган, обрў-эътибор келтирган авваламбор мактаб эмасми?

РАИС-ДИРЕКТОР «ПЕДАГОГЛИК» ФАОЛИЯТИНИ мактаб иморатини қайта қуришдан бошлади. Бу иш учун 3 миллион сўмлик маблағ кетди. Қурилиш-таъмирлаш ишлари бутун жамоа аҳли, ўқитувчилар, ота-оналар иштирокида ҳашар йўли билан тез ва соз бажарилди. Ошхона кенгайтирилиб, икки сменада тўрт юздан ортиқ ўқувчи овқатланиши учун шароит яратилди.

Маълумки, Президентимиз Фармонига кўра, мактабларда бошланғич синф ўқувчиларига бепул, юқори синф ўқувчиларига эллик фоиз арзон нархда нонушта берилмоқда. 8-ўрта мактабда 437 нафар ўқувчининг ҳаммаси жамоа хўжалиги ҳисобидан иссиқ овқат билан таъминланяпти. Ўқувчилар ошхонасига тухум, шакар, гўшт, сут, асал, мева ва сабзавотлар текинга мунтазам етказиб берилянти. Ҳар бир ўқувчининг кунлик иссиқ овқатига ўртача 80 сўмдан ортиқ маблағ сарфланмоқда.

Хўжаликда 69-мактаб-интернат, 38-саккиз йиллик мактаб ҳам бор. Ўтган ўқув йилида ҳар уч мактабнинг 140 нафардан зиёд ўқитувчи ва тарбиячилари ҳар ойда маошларининг 50 фоизи миқдорида қўшимча иш ҳақи олишди.

Бугунги иқтисодий мураккаб шароитда турмуш учун ғоят зарур кўплаб нарсалар, гапнинг салтини айтганда, отлиққа бору пиёдага йўқ. Жамоа ўқитувчиларига эса қурилиш материаллари бозор нархининг 10 фоизи миқдорида сотилмоқда. Хўжалик, шунингдек, ўқитувчиларга чорва моллари учун 250 тонна хашак, 30 тонна ем ажратди.

Имтиёзлар аълочи ўқувчиларни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Уларга стипендиялар белгиланган. Бепул саёҳатлар уюштириб турилибди.

Раис хонасидаги суҳбат жараёнида ана шуларни билиб олдик.

— Булар ҳали ҳаммаси эмас, — дея изоҳ берди Қаршибой Эшназаров. — Ўқитувчиларга хўжалик омборидан ун, гуруч, буғдой, шоли каби озиқ-овқат маҳсулотлари арзон баҳода сотилаётганини раис айтмади.

— Мактабда бўш ўрин йўқми, — дедим ҳавасим келганини билдириш ниятида.

Директор шу қадар берилиб кетган экан, буни жиддий тушунди:

— Бўш ўрин йўққу-я, ёш, билимдон, қайнаб турган ўқитувчилар бўлса ишга оламиз. Ёмон ўқитувчидан яхши шогирдлар чиқиши мумкин. Худо берган болалар бор. Лекин яхши ўқитувчидан ёмон шогирдлар чиқмайди.

— Аттанг, ишга келар эдим, — дедим афсус қилгандай.

Раис нима демоқчи бўлганимни тушунди шекилли, жилмайди:

— Э, сизни ишга оламиз. Тарғиботчи қилиб!, — кейин дангалчи одамларга хос ўктамлик билан деди. — Юринглар, энди мактабни кўрсатаман.

Мактаб шарқона усулда қурилган сарой билан бир қаторда экан, ораси нари борса беш юз метр. Яқин вақт ичида сарой билан мактаб туташиб кетади. мажлислар зали, спорт биноси, ёпиқ сув ҳавзаси қурилади. Мактаб пешайвони оқ устунлар билан кўтарилган, кўркам ва салобатли. Хоналар нафис безалган. Ҳар хона тўрида китоблар, кўргазмали қуроллар учун ойнаванд тахмон.

Раис билан кўришгунча ҳам, ундан кейин ҳам бир ўй кўнглимдан кетмаётган эди. Ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди. Хўжалик бақувват бўлгани-ку яхши. Лекин қилинаётган салмоқли сарф-харажат уни ҳоритиб қўймайдими? Ғамхўрлик даврий тадбирга айланиб қолмайдими?

Мактаб ҳовлисида дарахтлар остини юмшатиб юрган ўқувчиларга дуч келганимизда Султон Раҳмонқулов фикримни уққандай ўша томонга ишора қилди:

— Мактаб боғи учун 50 гектар ер ажратдик. 5 гектарида мевали кўчатлар етиштиряпмиз. Ҳисоблаб чиқсак, кўчатлар шунча жойдаги пахтадан сердаромадроқ экан. Насиб бўлса, мактаб бир-икки йил ичида ўзини-ўзи маблағ билан таъминлайди.

— Туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан 8-ўрта мактабга тўла молиявий мустақиллик ҳуқуқи берилди, — суҳбатга қўшилди Орзиқул Абдусаматов. — Ҳокимият қарорига кўра, давлат банкида мактабнинг ўз ҳисоб-рақами очилган.

— Ҳисоб-рақами бўш турмаслиги керак-да. Кўчат етиштиришдан ташқари 7 хил ҳунар ўргатадиган ўқув кичик корхонаси ташкил этганмиз. Ўқувчиларимиз атлас ва гилам тўқиш, бичиш-тикиш, қандолатчилик ва новвойлик каби касбларни ўрганишмоқда. Ҳозир маҳсулотларимиз савдода. Пул тушиб турибди.

Султон Раҳмонқулов шундай деб бизни гилам тўқиш корхонасига бошлади. Мактаб ҳовлисига туташ далада пишиқ ғиштдан кўтарилаётган иморатларга кўзимиз тушди. Булар юқорида эслатиб ўтилган ҳар бири 5 ярим миллион сўмлик турар-жой экан. Хўжалик ўқитувчилар учун 10 та шундай уй қурилишини бошлаб юборибди.

АТЛАС ТЎҚИШ КОРХОНАСИДА ўттиз ўқувчи қиз шуғулланар экан. Тўқиш сирасрорларини ўрганиб олган қизлар мактабни тугатишгач, хоҳласалар, тўғри хўжалик атлас тўқиш корхонасига ишга киришади. Қизларга уста Исмоил Қодиров устозлик қилмоқда. Мавлуда Маманазарова уларга бош-қош. Қўл дастгоҳида тўқилган гулхандай атласлар ҳар қандай фабриканикидан қолишмайди. Шу куни Муҳайё Раҳмонова, Насиба Жўраева, Муноввар Холиқова, Оқила Ўролова, Насиба Қодирова ишда экан. Уларнинг нафис санъатларини кўриб, кўнглимиз қувонди.

Қизлар ҳар метр тўқиган атласлари учун 50 сўмдан ҳақ олишмоқда. Корхоналарини «Орзу» деб аташибди. Чиндан орзу қилса арзийди!

Султон Раҳмонқулов яна 12 кичик корхона очиш ниятида. Орзуси, боғча — мактаб, мактаб — жамоа хўжалиги узвийлигига эришиш. Яъни, болалар 4 ёшдан — юқори гуруҳдан ўқитила бошлайди. Мактабларда ҳунар ўрганиш изчил йўлга қўйилади. Шу тариқа мактаб боғчага, хўжалик мактабга яқинлашади.

Ўқитувчилар ва ўқувчилар таълим-тарбияни юксак поғонага кўтариш эвазига бундан кейин ҳам рағбатлантириб борилади. Янги ўқув йилидан улар хўжалик ҳисобидан 2 сидра махсус кийим-бош билан таъминланадилар. Дам олиш хоналари жиҳозланади.

Раис-директорнинг яна бир режасини айтсам ишонмайсиз. Аввалига ўзимда ҳам шубҳа туғилди. Нима экан денг, мактаб ўқувчилари аъло баҳоларга ўзлаштириш даражасини эллик фоиздан оширишса, йиллик иш ҳақининг шунча миқдорида қўшимча мукофот олишади. Расмиятчилик, юзакиликка йўл қўймаслик чоралари ҳам олдиндан ўйланган. Имтиҳонларга ташқаридан ўқитувчилар чақирилади.

Шундай бир тартиб Наврўз тантаналарида жорий этилди. Уч мактаб ўртасида ғолиб бўлган 8-ўрта мактаб 50 минг, иккинчи ўринни олган мактаб-интернат 30 минг, 38-мактаб 15 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Уч юз ўқувчи таълим олаётган 69-мактаб-интернатдаги таълим-тарбия жараёни ҳам диққатга сазовор. Бу ерда ташкил этилган «Дўстлик боғи»да ҳар бир ўқувчининг ўз гули, ўз дарахти бор. Битирувчилар ўз дарахтларини ёш укаларига топшириб кетишади.

Мактаб-интернатнинг фахрланса арзийдиган бойлиги — бу унинг музейи. Мактабларни-ку қўя турайлик, ҳатто туман марказларида бундайи кам топилади. У бещ бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бири алоҳида хоналарга жойлашган. «Нон музейи»га кирган киши гўё ўтмишга саёҳат қилади. Ноннинг барча турлари, пиширилгану талқонгача бор. Зеро, нон тарихи халқимиз тарихидир. Бу ерда ўқувчилар табаррук нонни эъзоз қилиш билан бирга бободеҳқонлар меҳнатининг қадрига етишни ҳам ўрганадилар.

«Касб танлаш», «Ўзбекистон тарихи», «Табиат музейи» кўргазмаларга бойлиги, аниқ мақсадга қаратилганлиги боис ўқувчилар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатаётганлигини сезиш мумкин.

МАКТАБЛАР ҲАЕТИ БИЛАН танишар эканман, бир фикр хаёлимдан кетмади. Мамлакат тақдирини ҳал қилувчи туб ўзгаришлар даврида ҳамиша одамлардаги айрича фазилат — ватанпарварликка эҳтиёж кучли бўлган. Ҳозир ҳам шундай. Аммо давр ватанпарварларни юзага чиқарса-да, ватанпарварлар даврни яратади; соатма-соат, кунба-кун, ойма-ой, йилма-йил. Шунинг учун ҳам давр ватанпарварларга эҳтиёж сезади. Ҳолбуки, давр султонқуловлар қиёфасини эмас, султонқуловлар давр сиймосини белгилайди. Шунинг учун ҳам бизнинг қаҳрамонимиздай жонкуяр, фидойи инсонлар қанча кўп бўлса, шунча яхши. Халқимиз бахтига, мустақил Ўзбекистонимиз бахтига, болаларимиз бахтига!

Султон Раҳмонқулов билан чорраҳада хайрлашдик. Машина бир оз юргач, назар солдим. Раис-директор мактаб томон шахдам кетиб борарди...

Саъдулла ҲАКИМ.

ДЕФЕКТОЛОГЛАР ЙИҒИЛИШИ

Куни кеча Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги республика Ўқув-методика марказида «Махсус мактаб-интернатларда таълим мазмунини такомиллаштириш» мавзусига бағишланган амалий кенгаш ўтказилди. Кенгашда республикамиздаги махсус кўзи ожиз, заиф кўрувчи, кар ва заиф эшитувчи, ёрдамчи мактаб, мактаб-интернатлар дефектологлари, мактаб раҳбарлари ва республика малака ошириш институтларининг методистлари қатнашишди.

Йиғилганлар РЎММ директори муовини Н. Солихўжаеванинг «Махсус мактаб-интернатларида таълим мазмунини такомиллаштириш» мавзуида ахборотини тингладилар. Унда махсус муассасаларда таълим-тарбия олаётган ногирон болаларга давлат ва Халқ таълими вазирлиги томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик, уларнинг соғлиғини тиклаш, ижтимоий ҳаётга тайёрлашда бола қобилиятини эътиборга олиш зарурлигини, янги ўқув режаларда ўқув материалларини ихчамлаштириш ва баъзи бир фанларни бириктириб ўқитиш лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Дефектология бўлими бошлиғи, педагогика фанлари номзоди Р. Шомаҳмудова янги ўқув йилига тайёргарлик кўришда бўлим ходимлари томонидан махсус мактаблар учун ўқув режа, дастурлар қайта кўриб чиқилиб, ҳозирги талаб асосида тайёрланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

1993—1994 ўқув йилида, — дейди Р. Шомаҳмудова, — ўқув режалар олдинги йиллардагига нисбатан ихчамлаштирилди. Унда деярли барча махсус муассасалар учун дастурлар, дарсликлар, қўлланмалар қайта ишланиб чиқиб, улардан кўпи нашрдан чиққанлиги ва янги ўқув йилига ўқитувчиларга етиб боришини айтиб ўтди.

Жойларда уюштирилаётган методик ёрдам, илғор иш тажрибаларини ўрганиш хусусида масала кўтарилганда, Самарқанд вилояти малака ошириш институтининг методисти Атҳам Бобохонов томонидан олиб борилаётган ташкилий методик ишлар ҳақидаги ахборот кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. РЎММ дефектология бўлими билан барча вилоят ва шаҳар методистларининг ҳамкорликдаги ишлари янада фаоллаштирилиши ҳақида фикрлар билдирилди.

Шунингдек, Халқаро Дефектологлар Ассоциацияси таъсис этилганлиги, унинг асосий иш фаолияти болаларни ижтимоий, иқтисодий ҳимоя қилиш, диагностика, профилактика ишларини амалга оширишда дефектологларга ёрдам беришга қаратилганлиги таъкидланди.

Махсус мактаб раҳбарлари, ўқитувчилар, методистлар болаларни мактабга қамраб олиш, тиббий-педагогик гуруҳлар фаолияти барча вилоятларда яхши ташкил қилинмаганлиги ва болаларни саралашда жиддий нуқсонлар бор эканлигини қуюнчаклик билан таъкидладилар.

Кенгаш ишида дефектологлар кўтариб чиққан бир қанча муаммолар ҳам тингланди ва уларни ҳал қилиш зарурлиги таъкидланди.

САРДОР МАҲМУД

ШОЛИ ТАРИХИ

ИНГЛИЗЧАДАН ЖАМОЛИДДИН ҲАМДАМ ВА ШАРИФ ХОЛМУРОД ТАРЖИМАСИ

Адабиёт. Араб кечалари. «Минг бир кеча» номи билан машҳур буюк адабий асар ўша даврдаги жаҳон санъатининг энг юксак ютуқларидан бири ҳисобланади. Аслида у такомилга етган китоб ҳолида мамлуклар Мисрида пайдо бўлган эса-да, бутун ўша замоннинг халқ оғзаки ижоди ҳисобланади. Мажмуага кирган латифалар, ажойиб ҳикоятлар, достонлар, саргузаштли афсоналар ҳамда аббосийлар даври ижтимоий муҳитидан олинган ҳазил-мутойибалар шундай эркин тасаввурлар билан ўша даврга кўтаринкилик ва мафтункорлик бағишлаб турдилар. Бу араблар бутун инсониятга ато қилган турмуш тарзининг энг яхши ёдгорлиги бўлса керак. Унда нафис ҳис-туйғулар пардасига ўраб берилган турмуш ва тафаккур тимсоллари воситасида арабларга хос барча яхши-ёмон нарсалар ҳақида ҳикоя қилинади. Кўп жиҳатларига кўра, бу китоб биринчи манба бўлолмайди, чунки ундаги талайгина ҳикоятлар ҳинд, форс, юнон, Миср манбаларидан олинган. Лекин шу қадар сеҳрли сайқал берилганки, улар қандайдир бутунлай мафтункор ва янги асарлар сифатида қабул қилинадиган бўлди.

VII боб.

САЛИБ ЮРИШЛАРИ

Ўрта Шарқ насронийлари ва мусулмонлари. Арабистон ҳудудидан ташқарига чиқишда араблар икки халқ — Ғарб насронийлари ва Форс зардуштийлари билан жанг қилишга мажбур бўлган эдилар. Кейинроқ шарқий ҳиндлар билан олишувга тўғри келди. Бу халқларнинг биринчи гуруҳи мусулмонлар билан жуда кўп муштаракликка эга эди. Насронийлар Византия империясидан анча нарсаларни қабул қилиб олганликлари сингари араблар ҳам романлар ва юнонлар тафаккури меросини ўзлаштирдилар. Шундай қилиб, асрлар давомида бир-бирларига қарши қилич қайраб келганликларига қарамасдан, улар ўртасида ўзаро тушуниш учун замин пайдо бўлди. Энди зардуштийларга қарши уруш барҳам топганди; форслар дастлаб араблаштирилиб, сўнгра Исломга итоат эттирилдилар. Ғайрисломий халқларнинг учинчиси бўлган ҳиндлар билан кураш ҳикояси ҳали олдинда. Суриб чиқарилган насронийлар Ғарбда ўз мавқеларини тиклай бошладилар. Ўн биринчи аср охирига келиб улар Испанияда оролнинг учдан бир қисмини жангу жадаллар билан тортиб олдилар. Бироқ салжуқийлар Кичик Осиёни эгаллаб, мавқеларини тенглаштиришга эришганликлари сабабли янги муаммолар келиб чиқди. Қаттиққўл ва ғоят садоқатли мусулмонлар бўлган салжуқийлар насронийларнинг Кичик Осиё орқали ўтадиган йўлини ёпиб, маълум муддатгача уларнинг Фаластингача оқиб келишларини тўхтатиб қўйдилар. Бундай ҳолат насронийларни жиддий ташвишга солди.

Рум салжуқийлари ва фотиймийлар. Мусулмон дунёси Ўртаер денгизини ярим ой шаклида ўраб олган эди. Шу ярим ойнинг бир учи Мармар денгизига, иккинчи учи Миср соҳилига бориб тақаларди. Натижада ғазабга минган насронийларнинг ўзлари «динсизлар» деб ном берган (айрим жойларда ҳозир ҳам шундай дейишади) мусулмонларга қарши тадбирлар бошлаб юборишларидан бошқа иложлари қолмади. Ислом пайғамбари бутун дунёга Оллоҳ номидан ўз таълимоти билан мурожаат қилганидан бери беш юз йилга яқин вақт ўтган Ғарб эса шу давр мобайнида кўплаб мағлубиятларга учраган эди. Энди улар «муқаддас» даргоҳларини тортиб олишга қарор бердиларки, бу жуда яхши баҳона бўлди.

Салиб юришчиларининг тарафдорлари. Муқаддас зиёратгоҳ устидаги «хавф» кўпларни сергаклантирди. Энг аввал Византия императори норози бўла бошлади. Императорнинг Осиёдаги ерлари қўлдан кетиш арафасида эканлиги, ёвга таслим бўлмас бардошли кишилар эса Онадўлида жойлашиб олганликлари уни тез-тез исён кўтариб туришга ундарди. Ниҳоят у Рим папасига мурожаат қилди. Уша пайтда бу мартабада бўлган насронийлар черковнинг ноиби кучли шахс Грегори VII Оврупода пешқадамлик учун олмон императори билан кураш олиб борарди. Даъватга унинг «лаббай» жавоби ҳам тайёр эди, чунки у, бундай тадбир Овруподаги барча насронийларни ўз байроғим остида бирлаштиришга ёрдам бериб, мени шу қитъадаги етакчи кучга айлантирар, деган умидда эди.

Италиядаги давлат-шаҳарлар бўлган Венеция, Генуя ва Пизани Ўрта Шарқ билан катта савдо манфаатлари боғлаб турарди. Улар Шом ёки Фаластин денгиз соҳилларида насронийлар ўрнашиб қолганликлари тақдирда ғоят қимматли битимларга эга бўлишларини ўйлаб, «муқаддас иш»га ёрдам бермоқчи бўлдилар. Шарқнинг эртаклардагидек чексиз бойликлари тўғрисида эшитган Оврупонинг кўпгина баҳодир жангчилари ва машҳур кишилари ўз улушларини олиб қолиш ниятида бу тадбирларга қўшилдилар. Улар орасида Христос йўлида курашиб келишаётган ҳамда Оврупо кўзига тушган чўп бўлмиш «динсизлар»ни Исоннинг душманлари ва энг ашаддий адоватчилар сифатида йўқ қилиб ташлашни хоҳлаётган чинакам мутаҳассиблар ҳам бор эди.

Ниҳоят салибчилар мусулмонларнинг кўп асрлик ҳукмронликларидан кейин Ғарбдаги юксалишни намойиш қилдилар, шу давргача Исломдан норози бўлиб келаётган халқлар у ер — бу ёрдан кўтарила бошладилар. Ўртаер денгизи, ундаги барча ороллар кўп асрлардан бери мусулмонлар тасарруфида қолиб келаётган эди. Ҳатто Италия ва Франгистон жанубигача бўлган шимолий минтақа уларнинг мустамлакалари сирасига кирарди.

Ўртаер денгизидаги бахтсизликлар. Охир оқибат ўн биринчи асрга келиб мусулмонларнинг ишлари юришмай қолди. Италиядаги Пиза шаҳардавлатининг зарбаси билан Сардиниянинг Ислом тарафдорларидан ажратиб олиниши шундан дарак берди. Папа бу воқеани содир қилишга ошкора ижозатини дариғ тутмаганлигидан ташқари унинг амалга ошуви учун саъй-ҳаракатларини ҳам аямади. Италиядаги Кастилия ва Арагон қироллиқлари арабларга қарши иттифоқ тузишиб, «муқаддас урушга дадил киришдилар. Руҳонийлар ҳамма жойда халқни оёққа турғаза бошладилар. Улар энди мусулмонлар батамом ҳолдан тойдилар, деб ўйлашиб, бу тўғрида тобора эҳтирос ва ишонч билан гапирадиган бўлиб қолишди. Ҳар бир минбардан туриб: «Муқаддас даргоҳ қутқарилиши керак!» — дея бақириб-чақиришга ўтдилар. Шу аснода Константинополь императори Комненус мурожаат қилган Папа вафот этиб, ўрнига Грегори VII сингари қатъиятли киши бўлган Урбан II келди. У Византия императорининг таклифини дастлаб (1095 йилда) Писенцда ва ўша йили сал ўтиб Клермонтда икки марта черковларнинг Буюк йиғини мажлисида муҳокама қилдирди. Папа у ерда бутун насронийлар дунёсини жунбушга келтирган катта нутқ сўзлади. Унинг даъвати тезда Оврупонинг барча бурчакларда қўллаб-қувватланди. Ўзи фаранг бўлгани учунми, Папанинг чақириғи Франгистонда айниқса кучли акс-садо берди. Бу ишга дайди монахлар ҳам қўшилишиб, юрган йўллари бўйлаб халқ қалбига ғулғула солишни одат қилдилар. Питер де-Хермит салиб юришини бошлаш учун ташвиқот олиб борган монахлардан бири бўлди.

Биринчи салиб юриши (1096—1099 йиллар). Тез орада Франгистонда жуда катта қўшин тўпланди. Насронийларнинг бу ҳарбий кучларига буиллонлик Годфрей, унинг укаси Болдвин, тулузалик граф Раймонд ҳамда Папанинг Пуядан келган вакили Адҳемар бошчилик қилдилар. Улар бўлак-бўлак бўлиб, Константинополь орқали Кичик Осиёга кириб боришга қарор бердилар. Чунки Питер де-Хермит ва унинг дайди монах укаси Уолтер де-Пеннилес кишиларни шу қадар кучли ҳаяжонга солган эдиларки, бунинг натижасида насроний отлиқлари ўша йўналишда аллақачон йўлга чиқиб, учраган ҳамма нарсани яксон этиб бораверишди. Улар Кичик Осиёдаги салжуқийларга тегишли бўлган Румни вайрон қилишга ҳам улгурдилар. Рум салжуқийлари шу даврда кўплаб подшоҳликларга парчаланиб кетганликларидан бир жону бир тан бўлиб қарши туролмасликлари ҳам насронийларга жуда қўл келди. Салибчилар учун бу жуда қулай вазият эди. Улар Дорилаюм яқинида Кичик Осиёдаги салжуқийлар подшоҳлигининг бош ҳокими Қилич Султонни мағлубиятга учратиб, унинг пойтахти Никаяни босиб олдилар. Салжуқийларни Онадўли томон суриб чиқарган юриш қатнашчилари соҳилдаги ерларни эгалладилар.

(Боши ўтган сонларда).

(Давоми бор).

Жамғарма банки

ОМОНАТЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Жамғарма банки бошқармаси омонатчиларнинг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида Жамғарма банки муассасаларида ёшларнинг мукофотли, йиғиладиган ва пул-ютуқли омонатларида сақланаётган маблағларини йиллик фоиз ставкалари юқорироқ бўлган, Жамғарма банки муссасаларида мавжуд омонатларнинг бошқа турларига қайта расмийлаштиришни тавсия қилади. Чунки юқорида қайд қилинган омонат турлари бизнинг республикамиз регионал шароитига унчалик мос тушмаганлиги, аҳоли ўртасида кераклича қизиқиш уйғотмаганлиги сабабли, Ўзжамғармабанки бошқаруви 1993 йил 1 июндан бу омонатларни бекор килади.

Омонатчиларга ўз омонатларини Жамғарма банкида мавжуд бошқа омонат турларига қайта расмийлаштирш учун 1993 йил 1 июндан 1 декабргача 6 ой давомида имтиёзли вақт берилади.

Белгиланган вақт ичида қайта расмийлаштирилган омонатлар бўйича фоиз ставкалари расмийлаштирилган кунидан қатъи назар 1993 йил 1 июндан ҳисобланади.

Агар юқорида қайд қилинган омонат турлари белгиланган вақт ичида қайта расмийлаштирилмаса, у ҳолда бу омонатлар бўйича фоиз ставкалари талаб қилиб олинадиган омонат турларидек йилига 10 фоиз ҳисобидан тўланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ С. Х. СИРОЖИДДИНОВ НОМЛИ ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТИ 1993-94 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН 9-СИНФЛАРГА ҲАМДА 10—11-СИНФЛАРДАГИ БЎШ ЎРИНЛАРГА БАРЧА ВИЛОЯТЛАРДАН ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН ЎҚУВЧИЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

Лицейда бешта йўналишдаги синфлар бор:

1. Математика ва инглиз тили.
2. Математика ва иқтисодиёт.
3. Физика ва информатика.
4. Химия.
5. Биология.

«Математика ва инглиз тили» синфига кирувчилар математикадан ва инглиз тилидан имтиҳон топширадилар. Бошқа синфларга кирувчи ўқувчилар танлаган йўналишларига мос фандан имтиҳон топширадилар.

Имтиҳон тест ёрдамида, ёзма ёки оғзаки бўлиши мумкин.

Қабул имтиҳонлари 28—30 июнь ва 23—28 август кунлари лицей биносида ўтказилади.

Республика фан олимпиадасининг шу йилги қатнашчилари имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар.

1. Ота-онанинг директор номига аризаси.
2. Метрика копияси.
3. Тиббиёт картаси ва соғлиғи ҳақида маълумот (форма—26).
4. 1—8-синфлар учун баҳолар табели.
5. 3Х4 катталикдаги 6 та фотосурат.
6. Ота-онасининг турар-жойидан ва иш жойидан маълумотномалар.

Манзилгоҳимиз: 700112, Тошкент — 112, Чилонзор тумани, 9-мавзе, 33-уй.
Телефонлар: 78-86-49, 78-78-76.
Транспортлар: 2, 13, 29, 33, 45, 70, 77, 116-автобуслар, 4, 9-трамвайларнинг «Чўпон ота» бекати.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Дилдора АБДУЛЛАЕВА!

Тошкент вилояти Занги Ота туманидаги Фатхулла Пўлатов номли 36-ўрта мактаб педагоглари, шогирдларингиз Сизни қутлуғ 50 ёшингиз билан муборакбод этади. Узоқ умр, сиҳат-саломатлик доимо Сизга ҳамроҳ бўлсин!

МАКТАБ ПЕДАГОГИК ЖАМОАСИ.



БОШҚОТИРМА

Энига: 7. Қишлоқ хўжалиги анжоми. 9. Дунё томони. 13. Ёғингарчилик. 16. Атиргулдан тайёрланган шарбат. 17. Чўлпон пьесаси. 19. Асосан яқин шарқда яшовчи халқ. 20. Тун қуши. 26. Бухоро вилоятидаги туман. 28. Шариат қонунларини талқин қилувчи, лавозимли улама. 29. Дунёдаги йирик динлардан бири. 33. Қирғизистондаги тизма тоғ. 35. Мирмуҳсин романи.

Бўйига: 2. Қадимий ер ўлчови бирлиги. 3. Миллий мусиқа асбоби. 10. Сувсевар дон экини. 11. Достончи ижодкор. 12. Афсонавий қуш. 14. Мирзачўлнинг шимоли-ғарбидаги ботиқ ерлар. 15. Милоднинг илк даврида Бухоро яқинида вужудга келган қадимий шаҳар. 22. Саноқ сон. 23. Ҳосил олинадиган ўсимлик. 24. «Шашмақом» таркибидаги мақом. 30. Билимдон аёл. 31. Жанубий Шарқий Осиёдаги давлат.

Белгиланган хонадан соат мили бўйича. 8. Табиий фан. 18. Осиёда македонияликлар истилочиси Искандарга қарши кўтарилган халқ қўзғолони раҳбари. 21. Фарғона водийсидаги шойи тўқувчилар шаҳри. 34. Қозоғистон жанубидаги қумли чўл.

Ёйлар бўйича: 1. Хитойнинг Шинжон-Уйғур мухториятидаги шаҳар. 4. Табиат ва жамиятда содир бўлган воқелик. 5. XI аср охири XII аср бошларида яшаган, ажам луғатшунос олими ва адиби. 6. Ҳамдўстлик жумҳурияти. 25. Ўрта аср Шарқидаги илк тарихчи аёл Гулбаданбегим асари. 27. Ер куррасидаги энг баланд чўққи. 32. Ҳашаматли кўркам бино. 35. Ҳайдалган ерни текислаш қуроли.

Фозилжон ОРИПОВ тузган.

ЖАВОБЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

6 мартдаги қобилиятни бир синанг-чи!

1. Ойдин. 2. Лобар. 3. Робия. 4. Барно. 5. Камар. 5. Гажак. 7. Раъно. 8. Кокил. 9. «Роҳат». 10. Зирак. 11. Ширин. 12. «Келин». 13. Чевар. 14. Ойқиз. 15. Ойхон. 16. Ойгул. 17. Кўзгу. 18. Рўмол. 19. Қалам. 20. «Лазги». 21. Лапар. 22. Ватан. 23. Чирой. 24. Гилам. 25. Лайли. 26. «Замон». 27. Ковуш. 28. «Сайли».

Ушбу машқни биринчилардан бўлиб Андижон вилояти Жалолқудуқ туманидаги Насриддин Исанов номли жамоа хўжалигидаги «Бойчечак» боғчаси тарбиячиси Сирғойим Сатторова тўғри ҳал эта олган.

Муҳарририят, шунингдек, эълон қилинган топқирлик машқларига Чироқчидаги 103-мактаб ўқитувчиси Э. Боймуродов, шу тумандан А. Мусаев, З. Мирзаев. Фарғонадан М. Абдуллаева, Бухоро вилояти Олот туманидаги 12-мактаб ўқитувчиси О. Раҳимова, Хоразмнинг Боғот туманидан З. Матёқубова, Сирдарё вилояти Меҳнатобод туманидан Н. Эрматова ва В. Эрматовлар, Жиззах шаҳридаги Комилжон Азимов номли 10-мактаб ўқувчиси Ю. Исмоилова, Нарпай туманидан И. Нарзиев, Қува туманидан А. Саидқулов, Андижон шаҳридан Ф. Муродова, Марҳамат туманидан М. Иномиддиновлардан жавоблар олди. Барча топқирларга омад тилаб, янада фаол бўлишларини истаб қоламиз.

Ўрни келганда шуни эслатиб ўтамизки, баъзи мухлислар топқирлик машқларини тузиб, бизга йўлламоқдалар. Улардан фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун машқлар аниқ ва топқирлик билан тузилган бўлиши талаб этилади. Шакли қора ранг билан ватман қоғозига чизилган бўлиши зарур. Муаллифларга бу борада изланиш ва муваффақият тилаб қоламиз.

О. ФОЗИЛЖОНОВ.

ҲАМКАСБЛАРИМИЗ ИЖОДИ

БИР УМР ИҚБОЛ БЎЛСАМ

Эй жонимдан севганим, юзларингга хол бўлсам,
Аччиқ сўзлар энг ёмон, тилгинангга бол бўлсам.

Улуғлайсан меҳнатни, кечга қадар тинмайсан,
Ишда чарчаб терласанг, роҳатбахш шамол бўлсам,

Қўлда кетмон, иссиқда ишлашингга тасанно,
Соя-салқин истасанг, чинор бўлсам, тол бўлсам.

Осмон гўзаллигига маҳлиёсан, севгилим,
Кўкка боқсанг тун чоғи кокилли ҳилол бўлсам.

Менга катта қувончдир қалбингдан жой ололсам,
Тушларингга кўп кирсам, тенги йўқ хаёл бўлсам.

То тирикман, ишқимга содиқ бўлиш ниятим,
Ўрнак олсам ўзингдан, севгида ҳалол бўлсам.

Керак эмас Тўрага, сенсиз кайфу сафолар,
Армоним йўқ мен сенга бир умр иқбол бўлсам.

ГУЛ ТУРМУШНИ БАХШ ЭТГАН

Гул турмушни бахш этган ёрим — қалам қошимдир,
Кўздан юзимга оққан хурсандчилик ёшимдир.

Қуёш кундуз нур сочар, лекин қалбни ёритмас,
Кеча-кундуз қалбга нур берган ўз қуёшимдир.

Ер суҳбати, васлини таърифлашга сўз ожиз,
Порлаган, толе тожли, дўстлар, менинг бошимдир.

Кайф-сафони севмаган бир киши йўқ дунёда,
Давру даврон сурдирган энг катта маошимдир.

Баъзилар пулдор, лекин эътибори йўқ элда,
Мартабамни оширган, Тўра, ҳалол ошимдир.

Тўра ЖУМАН.

НОБЕЛЬ МУКОФОТИНИ ОЛГАНЛАР

Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиясига кўра, ҳар бир киши кунига 50 — 80 миллиграмм аскорбин кислота истеъмол қилиши лозим. Хўш, аскорбин кислотани ким кашф қилган?

Бу зарур моддани илк бор соф ҳолда ажратиб олганлиги учун асли венгер америкалик биокимёгар Альберт Сент-Дьердьнга 1937 йилда Нобель мукофоти берилган. Шу кашфиётдан 10 йил муқаддам дармондориларнинг вужудга таъсири сабабини аниқлаган инглиз биокимёгари Фредерик Хопкинс ва нидерланд олими Христиан Эйкман ҳам халқаро Нобель мукофотини олишган.

Ниҳоят, 1948 йилда аскорбин кислотани саноат миқёсида олиш технологиясини яратганлиги учун олим Рихтейн ҳам шу олий мукофотга сазовор бўлди.

●

Америкалик машҳур кимёгар олим Генри Таубе металл ионлари орасидан электронларнинг силжишига бағишланган ўттиз йиллик тадқиқотлари учун 1983 йили Нобель мукофотига сазовор бўлган эди.

А. АЛИЕВ тайёрлаган.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ҳаммуассис), Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58, 52-35.

ИНДЕКС: 64595.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000040.
Буюртма Г—239. 117209 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 20.00.

Босишга топширилди — 20.00.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкама сининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 123456